

Пенсия жамғармаси Термиз тумани бўлимида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги муҳокама қилинди



Пенсия жамғармаси туман бўлимида туман Халқ қабулхонаси мудири О.Нарматов иштирокида соҳа ходимлари билан аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, кўтарилган масалаларни ҳал этиш борасида олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Йиғилишда шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқук ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, халқ билан мулоқотини йўлга қўйиш, мурожаатлар билан ишлашни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш борасида тавсиялар бериб ўтилди.